

**Journal of**  
**Natural  
science**

**No5  
2021**

**<http://natscience.jspi.uz>**



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц</li><li>9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф</li><li>12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ГИДРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ  
ТАҚСИМЛАНИШИ**

*М.Н.Камолов., Ж.Холмирзаев., Б.Хакимов.*

**География ва иқтисодий билим асослари кафедраси ўқитувчилари.**

**Аннотация:** Мақолада Жиззах вилоятини сув билан таъминлайдиган асосий манбалар ва уларнинг умумий сув захираси ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари туманлар ва ирригация тизимлари ўртасидаги алоқадорлик ҳамда худудларнинг сув ресурслари билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** сув ресурслари, географик омиллар, Жиззах вилояти ва туманлари, ирригация тизимлари, хавза бошқармаси, дарё ўзани, гидрографик объектлар, ер ости сувлари, зовурлар, ички сой ва булоқлар.

**Аннотация:** В статье говорилось об основных ресурсах, обеспечивающих водой Джизакскую область, и об их общем водном запасе. Кроме того, проанализирована взаимосвязь между районами и ирригационными системами, а также состояние обеспеченности территорий водными ресурсами.

**Ключевые слова:** водные ресурсы, географические факторы, Джизакская область и районы, ирригационные системы, бассейновое управление, бассейн реки, гидрографические объекты, подземные воды, каналы, внутренние ручьи и родники.

Маълумки ер юзидаги худудларнинг маълум бир юзаси сув билан қопланган. Уларни иккига табиий ва сунъий сув хавзаларига ажратиб ўрганишимиз мумкин. Табиий сув хавзаларига табиий равишда вужудга келган гидрографик объектларни киритишимиз мумкин. Вилоятда инсон хўжалик фаолиятининг сув объектлари, жумладан, дарёларнинг гидрологик режими ва сув ресурсларининг миқдори ҳамда сифатига таъсирини баҳолашга, арид ўлкада сув тақчиллигининг олдини олишга ҳамда бундай шароитларга мослашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт тармоқларида сувдан фойдаланишнинг замонавий технологияларини қўллашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Табиий сув хавзалари ичида дарёлар табиатда ва халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Дарёлар табиий сув хавзаларига хавзага ёққан ёгинлардан ҳосил бўлган ер усти ва ер ости сувлари ҳисобига тўйиниб, табиий ўзанда оқувчи сув массалари табиий хавза ҳисобланган асосий қуруқликдага дарёларни ҳосил қилади.

Айни пайтда, вилоятда кучли антропоген омил таъсиридаги дарёларнинг гидрологик режимини тадқиқ этиш, улар оқимининг йил давомида ойлар ва турли мавсумлар бўйича тақсимланишини ҳамда йиллараро тебраниши хусусиятларини баҳолаш, бундай шароитларда дарёлар оқимини интеграллашган ҳолда бошқариш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим ҳисобланади

Жиззах вилояти ички сувларининг шаклланишига жойнинг иқлими, ер юзаси ва географик тузилиши катта таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, минтақа ер юзаси ва гидрологик хусусиятларини инобатга олиб уни икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи, тоғли қисми яни, дарё сувларини ҳосил қилувчи ҳудуд. Бу ерда қорларнинг, музларнинг эришидан ва ёғинларнинг кўплиги туфайли дарёлар ва бир қанча сойлар ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. Иккинчи, текислик қисми яни, сув сарфланадиган ҳудуд. Тоғларда ҳосил бўлган сув ресурслари текислик томон ҳаракатланиб бу ерда буғланишга, экинзорларни суғоришга, бошқа эҳтиёжларга ва ер остига шимилади.

Жиззах вилояти дарёлари океан ва денгизга қуйилмайди, материкнинг узок ички қисмидаги берк хавзасидаги дарёлар бўлгани учун ҳам ўзига хос режим ва хусусиятга эга бўлган континентал дарё ҳисобланади. Вилоятнинг катта қисми текислик ва тоғли ўлкаларидан эканлиги унинг гидрологик хусусиятига катта таъсир кўрсатади. Вилоятнинг дарёлари асосан тоғлардан бошланиб, текисликка чиққач суғоришга сарфланиб, ерга шимилиб, буғланиб суви камайиб қолади. Шу сабабли айрим дарё, сой ва булоқлар тоғлардан текисликка чиққач қумларга сингиб кетади. Масалан Молгузар тоғидаги Увалсой, Пшағорсой, Равотсой, Ардохшонсой. Нурота тоғидаги Ухумсой (узунлиги 25 км), Можрумсой (узунлиги 24 км), Осмонсой (узунлиги 21 км), Устихонсой, Чоғалаксой, Қуруқсой, Илончисой каби сой-булоқларнинг сув йиғувчи ҳавзаси кичик, буғланиш потенцияли юқори бўлганлиги сабабли текисликларда йўқ бўлиб кетади. Фақатгина вилоятда Сангзор ва Зоминсув дарёлари аниқ мансабига эга. Яъни Сангзор дарёсининг бир қисми Жиззах сув омборига ва Айдаркўлга қуйилади. Иккинчи Зоминсув дарёси эса Зомин сув омборига қуйилади. Вилоят ҳудудида дарё тармоқларининг зичлиги бир хил эмас. Мавжуд табиий ўзандаги сувнинг фойдали иш коэфитцентини ошириш мақсадида суний сув ҳавзалари ҳисобланган сув омборлар ва каналлар барпо этилган. Мазкур суний сув ҳавзалари асосан вилоятнинг шимолий қисмидаги Мирзачўл воҳасида ташкил этилган воҳаларни суғоришда ишлатилади. Бу эса сувга бўлган талабнинг 93% ни ташкил қилади. Вилоятнинг шимоли Мирзачўл воҳаси тўлиқ ўзлаштирилиб антропоген агроирригацион ландшафтларга айлантирилган. Мазкур ҳудудда вилоятнинг 7 та қишлоқ

тумани жойлашган бўлиб уларга Арнасой-49273 га, Дўстлик-44869 га, Зарбдор-70966, Зафаробод-52151, Мирзачўл-47848, Пахтакор-37741, Жиззах шаҳри-9639 гектарни ташкил қилиб вилоятнинг умумий майдони 21117830 га нисбатан 15% ни ташкил қилади. Вилоятнинг жанубий қисмидаги қишлоқ туманлар тоғ ва оғолди зонасида жойлашган бўлиб уларга Бахмал-186437 га, Ғаллаорол-194852 га, Ш.Рашидов-132031 га, Зомин-266349 га, Янгиобод-72131 га, Фориш тумани 953542 гектарни ташкил қилиб вилоятнинг умумий майдони 21117830 га нисбатан 85% ни ташкил қилади. Мазкур туманлар умумий ер майдонининг 15 фоизини ишғол қилган текислик қисмида дарё тармоқлари жуда сийрак жойлашиб, ҳар кв.км майдонга 1м. узунликдаги дарёга ҳам тўғри келмайди. Ваҳоланки, республика бўйича дарё тармоқларининг ўртача зичлиги ҳар кв.км майдонга 2 метрдир. Республикамиз ҳудудининг 17 фоизини ишғол қилган адирлар қисмида эса дарё тармоқлари нисбатан зичлашиб боради. Лекин бу ерлардан жуда кўп суғориш шахобчалари (арик, канал) бошланиб, уларнинг сувини ҳар томонга тарқатиб, суғоришга сарфлаб юборади. Вилоят ер майдонининг 85 фоизини ишғол қилган тоғли қисмда ҳар кв.км майдонга ўртача 240 – 250м. узунликдаги дарё тармоқлари тўғри келади.

Вилоят дарё тармоқларининг зичлиги ҳудуд бўйича бир хил эмас. Ҳудудда дарё тармоқларининг зичлиги бир хил эмаслиги энг аввало унинг рельефига, иқлимий хусусиятларига боғлиқ. Текислик қисмида дарёлар жуда сийрак бўлиб, ҳар кв. км майдонга дарёнинг 30-40 м узунликдаги қисми тўғри келади. Аксинча, тоғ ва адирларда дарёлар тармоғи зич. Бунга асосий сабаб, тоғларда текисликдагига нисбатан ёғинлар кўп тушади. ҳарорат пастлигидан мумкин бўлган буғланиш ва шимилиш кам бўлади. Натижада ёғиннинг кўп қисми дарё оқимига айланади. Тадқиқот натижаларига кўра вилоятнинг жанубий қисмидаги Туркистон –Молгузар тоғларига йилига 500-600 мм, Нурота тоғларига 400-500 мм гача ёғин тушади. Бу эса тоғлардан бошланувчи дарёларнинг серсув бўлишига сабаб бўлади. Айниқса, Зоминтоғдан Зоминсув дарёси ва Чумқортоғ ва Молгузар тоғларидан Санзор дарёлари энг йириги ҳисобланади. Баландлиги пастроқ бўлган Нурота тоғларида ёзда қуриб қолувчи бир қанча сой ва булоқлар ҳосил бўлган. Вилоятимиз шимоли текислик қисмида эса, аксинча, ёз иссиқ, қуруқ, серофтоб бўлиб, йиллик ёғин миқдори 60 – 120 мм атрофида, лекин мумкин бўлган буғланиш эса 1200 – 1600 мм га етади. Бундай иқлимий шароитда оқимнинг вужудга келиши жуда қийин. Шу туфайли вилоятнинг текислик қисмида дарё тармоқлари жуда сийрак. Вилоятнинг тоғ дарёлари тор ўзанда тез, шиддат билан оқади. Айниқса эрта баҳорда шиддат билан ёққан ёмғир таъсирида кўплаб сел ходисаларини содир қилади. Бу эса турли иқтисодий-ижтимоий талофатларни келтириб чиқаради. Баъзи тоғ

дарёлари, дарё ўзани тагини ювиб, шаршара ва остоналар ҳосил қилади, бундай сой-булоқларга кичик минигидроелектр станцияларини қурса бўлади. Текисликка чиққач, дарёлар кенг водийда тармоқланиб, илонизи ўзан ҳосил қилиб, секин оқади, кўпроқ қирғоқларини емиради. Сув сарфи ва сув ҳажми кам бўлганлидан ҳеч қандай кема қатнови йўлга қўйилмаган. Дарёлар тўйиниш жиҳатидан бир хил эмас. Вилоятдаги дарёлар мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинади.

Сангзор дарёси нафақат Жиззах вилоятида балки Мирзачўл табиий географик ўлкасининг энг йирик ва асосий дарёси ҳисобланади. Унинг умумий узунлиги 198 км, ҳавзасининг майдони 3220 км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Сангзор дарёси Туркистон тоғ тизмасининг Гуралаш довони яқинида 3400 м га яқин баландликдаги булоқлардан ва шимолий ёнбағирларидан бошланувчи, 80 дан ортиқ сой ва жилғалар (Хўжасой, Бойқўнғирсой, Кўкжарсой, Оққўрғонсой, Тангатопдисой, Сутарик, Бахмазарсой, Навқасой ва б.) қўшилишидан вужудга келади. Жиззах шаҳридан 70 км шимолий-ғарбда жойлашган, Қизилкум чўлининг жанубий-шарқий чеккасига Айдар-Арнасой кўллар тизими бир бўлаги ҳисобланувчи Тузкон кўлига бориб қуйилади.

Зоминсув дарёси Еттикечувсойнинг Гилдиравутсой билан қўшилишидан ҳосил бўлади. Зоминсув дарёсининг сув йиғиш майдони 709 км<sup>2</sup>, сув йиғиш майдонининг ўртача баландлиги 2094 м, ўртача кўп йиллик сув сарфи 2,0 м<sup>3</sup>/сек, максимал 2,37 м<sup>3</sup>/сек, минимал 0,8 м<sup>3</sup>/сек ни ташкил этади, узунлиги 41 км га етади. Дарё мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинади, тўлин сув даври март-июн ойларига тўғри келса, йилнинг бошқа даврларида жуда оз миқдордагина сув оқимиға эға бўлади. Дарё Зомин шаҳридан бошлаб бир қанча ариқларға бўлиниб кетади. Зоминсув дарёси асосий сув оқимининг 80% и март-апрел ойларига тўғри келади.

Ҳар қандай ҳудудда шу жумладан Жиззах вилоятида ҳам барча сув объектларида содир бўладиган гидрологик жараёнлар, дарё ва сой сув режимининг йил давомида ўзгариши, сув сарфларининг максимал даражаға тушиб қолиши каби жараёнлар барчаси табиий географик шароитларға боғлиқ. Ҳозирги кунда гидрографик объектларда ва унинг ландшафтларида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бир компонентдан иккинчисига йўналган доимий, аниқ ва нисбатан барқарор бўлган алоқалар тўғри алоқалар дейилади. Бундай алоқаларға тектоник структуралар билан рельеф орасидаги, рельеф билан иқлим, иқлим билан сувлар орасидаги алоқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Иқлим омиллари, жумладан, атмосфера ёғинлари дарёларнинг тўйиниши, сув режимини ва бошқа кўпгина оқим кўрсаткичларини белгилайди. Сув

оқимининг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида тутган ўрни ҳам маълум. Тупроқ билан ўсимлик, ўсимлик билан ҳайвонот орасидаги алоқалар ҳам тўғри алоқаларга киради. Модданинг бир ландшафтдан чиқиб кетиши, иккинчи бир ландшафтга кириб келиши ва тўпланишида сувнинг аҳамияти беқиёсдир. Бундан ташқари, ландшафтлардаги жонли модданинг шаклланиши ва ҳаётида ҳам ва ниҳоят, айрим хиллари эса катта ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. Инсон фаолиятининг ана шундай хилларидан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, унинг таъсирида ўзгарган ландшафтларни таснифларда алоҳида тур сифатида ажратилиши эътиборга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Л. А. Алибеков ва С. А. Нишонов “Природные условия и ресурсы Джизакской области” Ташкент. Изд “Узбекистан”, 1978).
2. Jumanazar, J. X. (2020). ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
3. Holmirzayev, J., & Qosimov, N. (2021). Jizzax viloyati ichki suvglariga antropogen omillarning ta'siri. *Журнал естественных наук*, 1(2).
4. Холмирзаев, Ж. Э. (2021). HYDROGRAFIK TARMOKLARNING TERRITORIES VIDELANISH REGULARITIES (GIZZAH TORIDA). *Экономика и социум*, (4-2), 648-654.
5. Холмирзаев, Ж. Э., & Соибназаров, Д. (2021). СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА ГЕОКИМЁВИЙ ТАРКИБИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР (Жиззах вилояти мисолида). *Журнал естественных наук*, 1(4).
6. Abdullayev, I., & Holmirzayev, J. (2020). ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Адилова, О. А. (2021). ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАР. *Журнал естественных наук*, 1(4).
8. Garrafov, A. (2020). Жиззах вилояти тоғли туманларда сув хавзаларининг аҳоли жойлашув тизимларига таъсири. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
9. Usmanov, M. (2020). Жиззах вилояти сув ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
10. Ҳақимов, Қ. М., & Адилова, О. А. (2015). Жиззах вилояти географияси. *Т." Фан ва технологиялар*.
11. Хақимов, К. М., Холдорова, Г. М., & Эрматова, Н. Н. К. (2017). Принципы и основные положения номинации географических объектов. *Проблемы современной науки и образования*, (4 (86)).